# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 29 февраль, № 44 (7546) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЭНГ КАТТА МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИГА ҚУВОНЧ ОЛИБ КИРИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.**



Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улуғбек тумани Авайхон маҳалласида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойларни кўздан кечирди.

Бу ерда жами 1 минг 120 та хонадондан иборат 17 та кўп қаватли уйлар қурилиши лойиҳалаштирилган. Бугунги кунда 5 та тураржой қад ростлаб, ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз хонадонлардан бирини кириб кўрди, уйларнинг қурилиш технологияси ва энергия тежамкорлигига эътибор қаратди.

Ташқи деворлар базальт материали билан қоплангани об-ҳаво таъсирини камайтириб, хонадонларнинг қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Яна бир самарали томони — бу тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулот.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий материалларни кўпроқ ишлатиб, уйларнинг нархини арзон қилиш, уларни турли соҳа вакиллари билан бирга кам таъминланганларга ҳам ажратиш бўйича кўрсатмалар берди. Кредит муддатини узайтириш, ижарага бериш орқали камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади.

**— Шаҳарларда одамлар коммунал хизматлар сифатсизлигидан норози. Биноларни эксплуатация қиладиган барқарор ташкилотлар, малакали кадрлар етишмайди. Янги объектлар эски тармоқларга улаб қўйилади. Бутун квартал бирданига узоқдаги станциядан иситилади. Аслида, ақл билан иш қилинса, коммунал тўловларни 50 фоизгача арзонлаштириш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Янги мавзеда автоном иссиқлик станцияси қуриш, иморатларни эксплуатация қиладиган ва сифатли хизмат кўрсатадиган замонавий ширкат ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳудудда яна бир нечта 9, 16 ва битта 25 қаватли тураржой барпо этилиши режалаштирилган. Лойиҳада замонавий қурилиш нормалари билан бирга миллий қадриятларимиз, турли маросимлар учун қулайликлар ҳам инобатга олинган. Барча уйларни 2020 йил сентябрда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, кўп қаватли автотураргоҳ барпо этилиши лойиҳалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкентнинг саноат, транзит-логистика, инфратузилма имкониятларидан самарали фойдаланиб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент механика заводининг улкан ҳудуди ва биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Технопарк ана шундай саноат ҳудудларидан. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 28 июнда бу ерга келиб, лойиҳалар тақдимоти билан танишганди.

Технопаркда 2020-2021 йилларда умумий қиймати 393 миллион доллардан зиёд бўлган 15 та корхонани ишга тушириш мўлжалланган. Уларда кир ювиш машиналари, ошхона плиталари, совиткич ва музлаткичлар, саноат кондиционерлари, лифт ва эскалаторлар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бу ерда зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида логистика маркази ташкил этилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси 35 — 40 фоиз бўлади. Шунингдек, йилига 186 миллион долларлик экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз Технопарк ҳудудида ишга туширилган илк лойиҳа — электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси фаолияти билан танишди, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

50 миллион доллар инвестиция ҳисобига ташкил этилган корхонада йилига 3 миллион дона электрон газ ҳисоблагич тайёрланади. Бу “ақлли” ҳисоблагичларга сим-карта ўрнатилган бўлиб, ишлатилган табиий газ ҳажми ҳақидаги маълумотни онлайн режимда марказий серверга узатади. Шу тариқа ҳисоблашда биллинг тизими жорий этилади ва инсон омили қисқаради.

Ушбу ҳисоблагичлар хавфсизлик жиҳатидан ҳам қулай. Уларга ўрнатилган меъёр ускунаси ортиқча газ босимини пасайтириб, истеъмолчига бир хилда етказиб беради. Бу орқали аҳоли хонадонлари ва иншоотларда ёнғин ёки газдан заҳарланиш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллион дона электрон газ ҳисоблагичга эҳтиёж мавжуд. Корхона ушбу эҳтиёжни бир йилда қоплаб, келгуси йилдан 7,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш қувватига эга. Бунинг учун корхона ҳамкори — Италиянинг “Petro Fiorentini” компанияси билан тегишли шартнома тузилган.

Давлатимиз раҳбари корхона фақат сотиш билан чекланиб қолмай, ҳисоблагичларни ўрнатишдан тортиб хизмат кўрсатишгача масъул бўлиши, эксплуатацияга жавоб бериши кераклигини таъкидлади.

**— Ҳар бир ишлаб чиқаришга киришишдан олдин стандартни ўйлаш керак. Малакали сервис учун ҳам, экспорт учун ҳам стандарт зарур. Афсуски, биз бу соҳада дунёдан анча ортда қолдик. Жойларда стандарт кафолатини таъминлайдиган кадрлар жуда кам. Шунинг учун мана шундай саноат корхоналарининг ўзида сервис бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, — деди Президент.**

Корхонанинг сервис маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди. Бу марказ корхона ва “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти билан узвий ишлайди. Жорий йилда “Ҳудудгазтаъминот” томонидан 3 миллион 480 минг дона ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Бу ишни ташкил этишда Технопарк сервис марказининг жойлардаги 15 та филиали кўмаклашади. Ҳозирги кунда ушбу филиалларда 150 мутахассис меҳнат қилмоқда. Битта ишчи бир кунда 30 та газ ҳисоблагич ускунаси тўғри ўрнатилганини текшириб, кафолат муддатини беради.

Сервис марказидаги ягона алоқа бўлимида мижозлар мурожаатларига жавоб қайтарилади. Битта оператор кунига 60 тагача қўнғироқни қабул қилади. Сервис марказида ишлаб чиқилган “Texnosoft” дастурий маҳсулоти орқали ўрнатилган газ ҳисоблагичлар сони, тўғри ўрнатилгани назорат қилиб борилади. “Texnosoft” ҳисоблагичларга кафолат муддатини бериш учун аризаларни мутахассисларга тақсимлайди, мижозларга хизмат кўрсатади.

Президентимиз корхона ишлаб чиқарган газ ҳисоблагичлар сифатига жавоб бериши, сервис маркази корхона — “Ҳудудгазтаъминот” — мижоз ўртасида боғлиқликни таъминлаши лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Технопаркда амалга оширилаётган галдаги лойиҳалар, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган саноат маҳсулотлари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли Маънавият ва маърифат марказини бориб кўрди.

Бу марказ биноси 1980 йилда қурилган. Ҳозирда унда Қуролли Кучлар ансамбли, Марказий ҳарбий оркестр, “Турон” давлат ҳарбий театри, бичиш-тикиш корхонаси ва болалар тўгараклари жойлашган. Лекин имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган эди.

Президент марказ биносини реконструкция қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик асосида кўнгилочар маскан ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Бу ерда концертлар, байрам тадбирлари ўтказилади. Атроф ободонлаштирилиб, тадбиркорлар иштирокида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги “Авиасозлар” спорт мажмуасини ҳам кириб кўрди. Унинг ҳудудини ободонлаштириш, спортсеварларга қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни касбга қайта тайёрлаш учун зарур шароит яратилмоқда.

Яшнобод туманида 2019 йил сентябрь ойида фаолият бошлаган “Ишга марҳамат” моно-маркази ана шундай муассасалардан бири. Унда қурилиш, маиший хизмат, техник-муҳандислик каби соҳалар бўйича 22 та касбга ўргатиш йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур station станоклар, мебель, муляж ва бошқа амалиёт воситалари келтириб ўрнатилган. Марказ йилига 5 минг 600 кишини ўқитиш имкониятига эга.

Бу ерга келган одамга аввал бандлик масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатилади. Доимий ишга эга бўлмаса, бўш иш ўринлари таклиф этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчилар доимий квотали иш билан таъминланиши ҳам мумкин.

Касбий малака талаб этиладиган ишни танлаганлар шу ердаги ўқув курсига жалб қилинади. Бошқа мамлакатда ишлаш истагини билдирган фуқароларга бу борадаги кўникма ва хорижий тиллар ўргатилади.

Марказда инглиз, япон, хитой, корейс ва рус тилларини ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар фаолият юритмоқда. Хориждаги бир қатор олий ўқув юртлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу ерга ўтган 5 ойда 550 дан зиёд фуқаролар мурожаат қилган. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этган. 267 фуқаро ўқишни битириб, сертификат олган.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, уста ва касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Бундай марказлар одамларнинг талаб бор касбларни тезда ўрганиб, ўз ишини топиши учун жуда муҳимлигини, бўш турган коллеж ва бошқа биноларни таъмирлаб, Тошкент шаҳрининг ҳар бир тумани ва барча вилоятларда шундай муассасалар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Касб-ҳунар йўналишларини шу ихтисосликдаги ўқув юртларига бириктириб, юқори малакали ўқитувчиларни жалб этиш, шунингдек, кечки сабоқларни ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод тумани раҳбарлари, маҳалла раислари, тадбиркорлар, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари туманни обод ва осойишта, намунали ҳудудга айлантириш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка барҳам бериш, таълим сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тинчликни таъминлаш борасида бир қатор ташаббусларини айтди, топшириқлар берди.

**— Сизлар билан, халқ орасида юриб, ислоҳотларимизни амалга ошираётган одамлар билан суҳбат қилиб, мавжуд муаммо ва масалаларни очиқ-ойдин муҳокама қилгани келдим. Шунинг учун ёдланган гапларни гапирмасдан, кўпроқ савол бериб, таклифларингизни айтсангизлар хурсанд бўламан, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Тумандаги 58 маҳаллада 240 минг аҳоли истиқомат қилади. 8 мингдан зиёд фуқаролар ишсиз, 10 минг одам ишлаш мақсадида бошқа давлатларга кетган. Демак, Яшнободнинг 18 мингдан зиёд аҳолисига муносиб иш керак.

Давлатимиз раҳбари туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликка барҳам бериш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди.

**— Бир инсоннинг оғирини енгил қилиш Худога ҳам ёқади. Камбағал кишининг ҳам фарзанди бор, ҳаётдан умиди бор. Шунча йил бу ҳақда гапирмадик, яшириб келдик. Энди бунга барҳам берайлик. Камбағалликни йўқотайлик, — деди Президентимиз.**

Бунинг учун, аввало, ёшларни бирон касб эгаси қилиб вояга етказиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, Яшнобод туманидаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” моно-маркази шаклидаги марказларни барча туманларда очиш ҳақида фикр билдирилди. Туман ҳокимлари ва бошқа дахлдор ташкилотлар раҳбарларига қисқа вақтда коллежларда маҳалла ёшларини кечки сменада касб-ҳунарга ўқитиш курсларини жорий этиш ҳақида топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари касб-ҳунар эгаллаган ёшларнинг иш унумдорлиги, оиласига, иқтисодиётимизга фойдаси ҳақида гапирди. Таъкидланганидек, саноатни ривожлантиришда ёшлар кучидан фойдаланиш керак. Бунинг учун улар замонавий дастгоҳларда ишлашни билиши талаб этилади. Шунда уларнинг ойлик маоши ҳам ошади.

Давлатимиз раҳбари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида муҳим ғояларни айтиб, яна бир муаммо аҳолининг соғлом овқатланиш меъёрларига амал қилмаслигида эканини таъкидлади.

Нуронийларга, оилавий поликлиника шифокорларига маҳаллаларда кенг тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси топширилди. Кўпроқ пиёда юриш ва бу борада Яшнобод тумани тажрибасини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маҳалла ва оила тизимидаги уйғун ислоҳотлар, жумладан, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти ҳақида сўз борди. Жиноят содир этилишининг олдини олиш, ишсизликка, камбағалликка барҳам беришда маҳалланинг роли муҳимлиги таъкидланди.

**— Президент сиёсатининг энг катта замини бу — маҳалла тизими. Шу боис маҳалла раиси ва профилактика инспекторларини мажлисларга чақирмаймиз, керак бўлса маҳаллага келиб мажлис қилинади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Оилавий низоларга, ажрашишларга қарши курашни кучайтириш кераклиги ҳақида гап борар экан, эндиликда эр-хотинни ажратишда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг рухсати олиниши шартлиги айтилди. Бу борада тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича топшириқ берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев учрашувда Яшнобод тумани мисолида давлат бошқаруви тизимига ўзгартириш киритиш ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича Сирдарё вилоятининг Боёвут ва пойтахтимизнинг Яшнобод тумани намуна бўлиши кераклигини айтди.

Бунда асосий эътибор кам таъминланган оилалар билан ишлаш, хотин-қизлар муаммоларига ечим топиш, бандликни таъминлаш, маҳаллалардаги соғлом муҳитни мустаҳкамлашга қаратилади.

**— Ишлаган одамга жамият эътибор қаратадиган замон келди. Тинчлигимизнинг қадрига етиб, пок ва ҳалол бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, натижа бўлади. Эртанги кунимизга бефарқ бўлмайлик. Яшнобод ўз номига муносиб яшнаб туриши, қуйи тизимда ишни ташкил қилиш бўйича намуна бўлиши керак, — деди Президентимиз.**

Бугун Тошкент пойтахт мақомига муносиб ривожланмоқда. Ислоҳотлар халқимиз ҳаётида аксини топмоқда. Одамларимиз кайфияти ҳам шунга монанд — кўтаринки. Тараққиёт эса давом этади. Бу йўлда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари, топшириқлари, ташаббуслари муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.


**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН СТРАТЕГИК ҚАРАШИ

*Жорий йилнинг 29 февралида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида АҚШ ва “Толибон” ҳаракати ўртасида узоқ кутилган ва афғон халқи учун умуммиллий ярашув жараёнини бошлаши мумкин бўлган “тинчлик келишуви”нинг имзоланиши кутилмоқда. Бу эса ўнлаб йиллар давом этган урушга чек қўйиш ва тинчлик сари қўйилган чинакам қадам бўлади.*

## Эксклюзив интервью

Ушбу шартноманинг имзоланиши Афғонистон ҳукумати, ички сиёсий кучлар ва қуролли мухолифат вакилларининг бўлажак учрашуви олдидан муайян бир умид бағишлайди.

Кўриниб турибдики, юзага келаётган ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан минтақада шаклланган ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё, хусусан, Афғонистонда “тинчлик, барқарор ривожланиш ва яхши қўшничилик ҳудуди”ни ташкил этишни мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берганлиги ушбу муҳитни яратишда муҳим роль ўйнади.

**Ўзбекистон раҳбарининг изчил ташқи сиёсати ва қатъий қарорлари натижасида** минтақадаги ўзаро ишончсизлик йўқолиб борди, қўшни давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар бартараф этила бошлади, ҳамкорлик ва ҳамфикрликка асосланган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Тошкент Афғонистонни минтақамизнинг ажралмас қисми, деб билади, шунинг учун ҳам бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун саъй-ҳаракатлар олиб бориш жуда муҳимдир.

Марказий Осиёнинг бардавом ривожланиши Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашиши билан бевосита боғлиқдир. **Ўзбекистон Президенти бир неча бор таъкидлаганидек, “Афғонистон муаммосини ҳал этмасдан туриб, тинч ва гуллаб яшнаётган Марказий Осиё ҳақида гапириш мумкин эмас”.**

2018 йилнинг март ойида Тошкентда **республика раҳбарияти ташаббуси** билан Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган муҳим ҳиссаси бўлди. Тадбирда Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган барча давлатлар, минтақанинг етакчи мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тошкент конференциясида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Афғонистон можаросини ҳал қилишга йўналтирилган аниқ стратегик қарашларни баён этди ва афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатлар фаоллашишида “тамал тоши” бўлган “Тошкентнинг Афғонистон бўйича сиёсати”нинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Форумнинг асосий натижаси Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишнинг асосий тамойиллари бўйича минтақавий ва глобал даражада тўлиқ консенсусни ўзида муҳрлаган Тошкент декларациясининг бир овоздан қабул қилиниши бўлди.

АҚШ ва “Толибон” ҳаракати ўртасидаги музокараларда эришилган натижалардан келиб чиқиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида Ўзбекистоннинг фаол қатнашишига янада кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

**Биз Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этишнинг асосий жиҳатлари хусусида Ўзбекистоннинг қарашлари ва республикамизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ҳақида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камилов билан суҳбатлашдик.**

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

2020 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ислоҳотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатлари ва муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлис иши Олий Мажлис Сенатининг веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намойиш этилди.

Сенат аъзолари дастлаб янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, Президентимиз жорий йил 24 январь куни парламентга йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муҳим қадам қўйиш ва мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомини олмаган юртдошларимиз муаммосини қонунга мувофиқ ҳал этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини қайд этди.

➡ 3

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН СТРАТЕГИК ҚАРАШИ

1

*— Ўзбекистоннинг афғон можаросини ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларга шу қадар фаол киришишига нима сабаб бўлди, ваҳолонки, ушбу низо ечимини топишдан манфаатдор бўлган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам Тошкент конференцияси каби нуфузли тадбирни ташкил этишга қадар бундай изчил ҳаракатларни амалга оширишга тайёр эмас эди?*

— Шуни унутмаслик лозимки, бизнинг Афғонистон билан умумий чегарамиз бор. Биз кўп асрлик муштарак тарихга эгамиз, халқларимиз тақдири бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. **Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "минг йиллар давомида Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ягона маданий-тамаддун маконида ривож топганлар". Қандай қилиб биз Афғонистонда нормал ҳаёт тезда тикланишидан манфаатдор бўлмаслигимиз мумкин?**

Биласизми, замонавий дунё тарихида энг узоқ вақт давом этаётган ушбу можаро, ҳатто Афғонистонни ўз давлатчилигини амалда йўқотишига олиб келди. Бу шарт-шароитларда қандай қилиб ҳокимиятнинг барча тармоғи тўлақонли ишлай олади, қонунларга риоя қилинади, иқтисодиёт ишлайди?

Тасаввур қилинг — биз XXI асрда яшаяпмиз ва ўтган асрда бошланган уруш деярли 40 йилга яқин давом этмоқда. Икки миллионга яқин одамлар унинг қурбонига айланди ва Афғонистоннинг Қочоқлар ишлари бўйича вазирлиги маълумотига кўра, яна олти миллион киши мамлакатни тарк этган.

Албатта, бугунги кунда бизга нафақат қочоқларнинг ватанига қайтишини, балки уларнинг Афғонистонда тинч ҳаётни барпо этиш жараёнида фаол иштирокини таъминловчи умумий минтақавий стратегия лозим.

Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош ҳудудларда ҳар йили ўнлаб қуролли тўқнашувлар содир этилади. Шундай вақтлар ҳам бўлдики, ҳатто ҳарбий ҳаракатлар бизнинг чегарамизга туташ ҳудудларгача етиб келди. Буларнинг барчаси бизни хавотирга солмаслиги мумкин эмас.

Бундан ташқари, ИШИД жангарилари Яқин Шарқдан қувиб чиқарилиши натижасида Афғонистон ҳудудида трансмиллий террорчи ташкилотлар паноҳ топа бошлади. Бу нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид сола бошлади.

Биз хавфсизлик бўлинмас экани ва уни фақат муштарак саъй-ҳаракатлар орқали таъминлаш мумкин, деган мавқедан келиб чиқамиз.

**Ўзбекистон раҳбари "Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистоннинг хавфсизлиги", дея бир неча бор баёнот берганлар.** Афғонистон бўйича сиёсатимизда биз нафақат ушбу мамлакатнинг келажаги, балки умумий хавфсизлигимиз, терроризм, ақидапарастлик ва зўравонликдан холи дунё учун курашмоқдамиз.

Шу билан бирга, Афғонистонда тинчликни таъминлаш — бу фақатгина хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдангина иборат эмас.

Афғонистон масаласида биз "defensive approach" деб аталувчи ҳимоя ёндашувига асосланмаймиз. Биз минтақамизда вазият қанақа эканлигини яхши идрок этишимизга ишончимиз комил, шунинг учун "ўйинчи"ларнинг бири ғалаба қозонса, иккинчиси мағлуб бўладиган бирон-бир "нолга тенг ўйинларда" иштирок этишга интилмаймиз. Биз прагматикмиз ва яхши қўшни бўлишни хоҳлаймиз.

Фақатгина 100 йил олдин ўрнатилган чегараларга қарамай, халқларимиз ўртасида 3 минг йиллик тарихга эга муносабатлар мавжуд.

Амударё бўйлаб ўрнатилган чегаралар ҳеч қачон одамларнинг бордикелдиси, савдо-сотиқ қилиши ҳамда маданиятлар ва динимизнинг ўзаро уйғунлашувига тўсиқ бўла олмаган.

Тинч Афғонистон Марказий Осиё учун энг қисқа йўл орқали денгиз коммуникацияларидан фойдаланиш, транспорт йўлакларимизни диверсификация қилиш ва шу билан маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун кенг бозорларни очиш имкониятларини таъминлашга қодир.

Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий ҳамкорликка қўшилиши учун ёрдам бериш жуда муҳим ва Тошкент буни чин дилдан хоҳлайди. Бундан ташқари, шу нарсани тушуниш лозимки, Афғонистон ҳудудидаги таҳдидлар қанчалик кам бўлса, миллий хавфсизликни таъминлашга сарф этиладиган харажатларимиз шунчалик қисқаради. Тежалган маблағларни биз ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, фуқароларимизнинг турмуш даражасини оширишга йўналтиришимиз мумкин.

*— Афғонистондаги можаронинг моҳиятини қандай тушунасиз? Умуман олганда, бу мамлакатда қандай жараёнлар юз бермоқда?*

— Сиз жуда муҳим саволни бердингиз. Инқирознинг моҳиятини тушунмасдан, уни ҳал қилишнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Афғонистондаги можаро 40 йил мобайнида жиддий ўзгаришларга учради. Бугунги кундаги вазият қуролли қарама-қаршиликнинг дастлабки босқичидан тубдан фарқ қилади. Бу рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Ҳозирги босқичда у ерда қандай жараёнлар содир бўлаётганини аниқлаш муҳим эди. Бу фуқаролар урушими ёки ҳукуматнинг террорчиларга қарши курашими? Бу халқаро низоми ёки глобал "ўйинчи"лар фаол иштирокидаги минтақавий можароми? Ёки ушбу муаммо Афғонистоннинг гиёҳванд моддалар, қурол-аслаҳа ва одамлар савдосининг тўсиқсиз, трансҳудудий "очиқ зонаси"га ва халқаро террорчилик ташкилотлари учун "қулай маконга" айлантирилганлиги билан изоҳланадими?

Ҳозирги кунда ушбу саволларга оддий ва аниқ жавоб мавжуд эмас. Афғонистон можароси юқорида қайд этилганидек, барча жараённи ўзида мужассам этиб, ички, минтақавий ва халқаро муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган чигал ва ечилиши қийин бўлган мураккаб қарама-қаршиликлардан иборат калавага айланди.

*— Тушунарли. Демак, сиз Афғонистонда қандай жараёнлар ўрин топганини англаб етгандан сўнг, дунё дипломатияси раҳбарлари ҳамда юқори даражали сиёсатчилар иштирокидаги Тошкент конференциясини ўтказишга қарор қилдингиз, шундайми?*

— Ҳа, худди шундай. Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеалар туфайли Афғонистондаги вазият маълум вақт жаҳон сиёсати эътиборидан четда қолди. Бироқ бунинг натижасида можаро ўзининг кескинлиги ва жиддийлигини йўқотмади. Шунинг учун форум афғон можаросини ҳал қилиш йўлларини излаб топишда муҳим бурилиш бўлди. Буни афғонистонлик ҳамкасбларимиз ва чет эллик ҳамкорларимиз турли даражаларда эътироф этдилар.

Тошкент анжумани Афғонистон муаммосини халқаро кун тартибининг марказига қайтариш имконини берди. Тошкент конференциясида белгиланган янги принципиал ҳолат Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида минтақавий ва глобал ёндашувларнинг тобора муҳим аҳамият касб этишидан иборат бўлди.

*— Нимани назарда тутяпсиз?*

— Минтақадаги қўшни давлатлар ва дунёнинг етакчи мамлакатларининг саъй-ҳаракатларисиз ушбу низони ҳал этиб бўлмаслиги таъкидланди. Шунинг учун ҳам айнан Тошкент конференциясида халқаро ҳамжамиятнинг "Толибон" ҳаракати (ТҲ) билан ҳеч қандай муқаддам шартларсиз тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйишга тайёрлиги намоён этилди. Янада батафсилроқ айтсак, айнан шу ерда — Ўзбекистонда биз "Толибон"ни тинчлик музокаралари жараёнига жалб этиш учун туртки беришга муваффақ бўлдик. Сизга маълумки, бизнинг шерикларимиз ҳам кейинчалик ТҲ вакиллари билан уларнинг мавқеларини яхшироқ тушуниш ва муросага эришиш мақсадида бир неча даврадан иборат музокараларни ўтказдилар.

Бундан ташқари, халқаро ҳамжамият тинчлик жараёнини фақат Афғонистонга қўшни бўлган давлатларнинг фаол иштирокида амалга ошириш мумкинлигини англаб етди. Шу боис ҳам афғонлараро ярашувнинг асосий тамойиллари бўйича минтақавий консенсусни таъминлаш муҳим эди. Шунингдек, гўё турли ихтилофлари бўлган давлатлар — Покистон ва Ҳиндистон, Эрон ва Саудия Арабистони, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликлари бир-бирлари билан ўзаро келишиб олишлари зарур эди. Бундан ташқари, Туркиянинг алоҳида мавқеи ҳам мавжуд... Буларнинг барчасини афғон муаммосини муштарак идрок этиш асосида бирлаштириб олишга муваффақ бўлинди.

Тошкент конференцияси ўтказилганидан сўнг Вашингтон, Москва ва Пекиннинг мавқелари сезиларли даражада бир-бирига яқинлашди.

**Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "тинчликка интилишнинг асосий шарти — бу Афғонистон учун минтақавий ва халқаро миқёсда келишилган, яхлит ва кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир".**

Анжуманда қабул қилинган Декларация мамлакатда миллий тотувликка эришиш, халқаро терроризм, наркотрафикка қарши кураш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик учун ўзига хос "Йўл харитаси" бўлди. Ҳужжатда Афғонистоннинг барқарор ривожланиши, афғон халқининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда уларни минтақа ва дунё миқёсида амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларига жалб этишнинг шарт-шароитлари белгиланди.

*— Сиз қайд этганингиздек, афтидан, конференцияда турли мамлакатларнинг муросага келишлари учун олдиндан жиддий ва пухта чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлган эди. Тошкент форумига қандай тайёргарлик кўрилгани ҳақида айтиб берсангиз.*

— Авваламбор, конференция арафасида **Президент Шавкат Мирзиёев афғон муаммосини катта давлатлар раҳбарлари: Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, АҚШ Президенти Дональд Трамп, Хитой Раиси Си Цзиньпин ҳамда Европа Иттифоқи раҳбарияти, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон давлатлари бошлиқлари билан шахсан ва мукаммал равишда муҳокама қилдилар.**

Аммо анжуманга тайёргарлик ушбу учрашувлардан анча олдин — афғон дўстларимиз билан яқин ҳамкорликдан бошланди. Аслида, бу бизнинг биргаликдаги катта ишимиз бўлди. Эслатиб ўтаман, Тошкент конференциясини икки президент — Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ғани жаноблари очиб беришди.

Президент топшириқларига мувофиқ, Афғонистондаги асосий ички сиёсий кучлар вакиллари, хусусан, Бош вазир А. Абдулла, Афғонистоннинг собиқ президенти Ҳ. Карзай, "Афғонистонни озод қилиш Ислом иттифоқи" партияси раҳбари А. Сайёф, "Афғонистон Ислом партияси" раҳбари Г. Ҳикматёр, Афғонистон Олий тинчлик кенгаши раиси К. Халилий, "Афғонистон миллий ислом ҳаракати" бошқаруви кенгаши аъзоси Б. Дўстум, "Миллий ислом жабҳаси" етакчиси С. Гилоний, "Афғонистон ислом жамияти" бошқарув кенгаши аъзолари Ю. Қонуний ва М. Исмоилхон, Балх вилояти собиқ ҳокими А. Нур, "Толибон" ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси раҳбари мулла А. Станикзай, А. Бародар ва бошқалар билан ҳам тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент бу йўналишдаги барча қадамларини расмий Кобул билан келишилган ҳолда амалга оширмоқда. Биз доимо "барқарор тинчликни ўрнатиш бўйича сиёсий жараёнлар фақат афғонлар томонидан ва Афғонистон халқи раҳбарлигида олиб борилиши лозим", деган асосий тамойилга содиқ қоламиз.

*— Маълумки, форумда қатнашган минтақадаги ҳамкасбларингиз билан яқиндан ҳамкорликсиз конференцияни ўтказиш мумкин эмас эди. Минтақа давлатлари бундай яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёрми?*

**— Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ каби минтақавий ва халқаро майдонлардаги ўз нутқларида ҳамкорларимиз, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари билан афғон муаммосининг сиёсий ечимини топишга тайёрлигини бир неча бор таъкидлаган эдилар.**

Ҳеч бир мамлакат афғон муаммосини мустақил равишда ҳал қила олмаслиги, шубҳасиз, аниқ ва равшан. Шунинг учун **Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда тинчлик ўрнатилишида қўшни давлатларнинг муҳим ўрни мавжудлигини қайта-қайта қайд этган.** Қўшни давлатлар ва ҳамкорларнинг саъй-ҳаракатлари бир-бирини алмаштирмаслиги, балки бир-бирини тўлдириши керак.

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари Афғонистон муаммосини ҳал қилишда фаол ёрдам кўрсатмоқда. Қозоғистоннинг раислиги ва ташаббуси билан БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича вазирлараро мунозара бўлиб ўтди. Айнан шу тадбир доирасида Тошкент конференциясини ўтказиш ташаббуси эълон қилинди ва минтақанинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўз навбатида, Қирғизистон томонидан мазкур мамлакатда юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш мақсадида Бишкек шаҳрида Афғонистон бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Биз ҳаммамиз, Афғонистон минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб қилиниши зарурлигини тушунамиз. Ушбу фикр Ашхободда Афғонистон бўйича еттинчи минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси, Тошкент конференцияси ва Душанбе шаҳрида Терроризм муаммоси ва уни молиялаштириш манбалари бўйича юқори даражада ўтказилган халқаро конференция иштирокчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Афғон йўналиши бўйича фаол минтақавий ҳамкорликка яна бир мисол сифатида Самарқандда бўлиб ўтган "Ҳиндистон — Марказий Осиё" вазирлар мулоқотига биринчи марта Афғонистоннинг жалб этилганини келтириш мумкин.

*— Сизнингча, Афғонистон "совуқ уруш" даврида бўлганидек, дунёнинг ривожланган йирик давлатлари манфаатларининг тўқнашуви учун яна майдон бўлмай қолдими?*

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, афғон можароси аввалдан икки дунё тизимлари ўртасидаги геосиёсий қарама-қаршиликнинг самараси бўлди. **Ўзбекистон Республикаси Президенти "уруш олови" афғон халқига ташқаридан олиб кирилганини ва уруш бу халқнинг танлови эмаслигини" очиқдан-очиқ айтди.**

Ҳозирга қадар йирик куч марказлари ўз манфаатлари йўлида Афғонистонда тўқнаш келмоқдалар.

Можарога янги иштирокчиларнинг доимий равишда жалб этилиши афғон низосининг мисли кўрилмаган даражада чуқурлашишига олиб келди.

Афсуслар бўлсинки, ўн йиллар давомида афғон муаммосини ҳарбий куч орқали ҳал қилиш мумкинлиги тўғрисида турли хаёлпараст фикрлар мавжуд эди. Энг ачинарлиси шуки, ақлбовар қилмайдиган даражада инсоний қурбонлар ва улкан иқтисодий ҳамда сиёсий талафотлардан сўнг ушбу ёндашув боши берк кўчага киритиб қўйганлиги англаб етилди.

Бугунги кунда эса дунёнинг йирик давлатлари, энг аввало, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва мусулмон дунёси давлатлари ўртасидаги яқин ҳамкорликни фақат қутлаш мумкин. Сўнгги ойларда Москва, Пекин ва Вашингтон уч томонлама учрашувлар доирасида муҳим натижаларга эришганлари ва ушбу форматга манфаатдор мамлакатлар ҳам қўшилганини мамнуният билан қайд этамиз. Мазкур саъй-ҳаракатлар афғон масаласини самарали равишда ҳал қилиш учун зарур ташқи шароитларни шакллантиради.

*— Сизнингча, Афғонистонда ким бардавом тинчликнинг кафили бўла олади?*

— Авваламбор, йирик давлатлар: АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва албатта, айнан шу даражада Афғонистоннинг бевосита минтақавий қўшнилари. Булар ташқи кучлардир.

Аммо Афғонистонда тинчлик ҳақида келишувларнинг барқарорлиги, аввало, мамлакатдаги барча сиёсий кучларнинг — сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва этник гуруҳларнинг ўзлари ушбу жараёнга жалб қилинишига боғлиқ бўлади. Умуммиллий келишув ва ярашувсиз сезиларли тараққиётга эришиш мумкин эмас.

Давлатга қарашли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамияти тузилмасининг тўлиқ ишлаши, Афғонистон хотин-қизларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва бошқалар, бир сўз билан айтганда, мустақил афғон давлатини қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш йўлида сўнгги 18 йил ичида эришилган барча ижобий ютуқларнинг асраб қолиниши фавқулодда муҳимдир.

*— Агар Сиз айтаётган гаплар ҳақиқатга айланса, биз 40 йил ичида биринчи маротаба Афғонистонда узоқ кутилган тинчликни кўрамиз. Сиз ушбу мамлакатнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?*

— Сиз ўзингиз айтгандек, тинчликни кўриш учун, биринчидан, ушбу мақсад бутун афғон жамияти, барча этник гуруҳлар ва сиёсий ҳаракатларни бирлаштирувчи ягона, умумий ғояга айланиши керак. Иккинчидан, хавфсизлик ва иқтисодиёт соҳаларидаги вазифаларнинг самарали ечимини топа оладиган барқарор умуммиллий ҳукумат тузилиши керак.

Афғонистон самарали минтақавий ҳамкорлик майдонига айланиши зарур.

Айтиб ўтганимдек, бугунги кунда Афғонистон, афсуски, ҳали ҳам жаҳон ва минтақа давлатларининг қарама-қаршилик ҳамда рақобат майдони бўлиб қолмоқда. Биз Ўзбекистонда мазкур ёндашув ўзгариши керак, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон барчамизга умумий тил топишни, миллий манфаатларимизни мослаштиришни, муроса қилишни ва ўзаро ҳамжиҳатликка эришишни ўрганиш учун қулай имконият бермоқда.

Фақат шундагина умумий минтақамизнинг бардавом ривожланиши, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида Афғонистоннинг барча қўшни мамлакатлар учун тенг ҳуқуқли шерик бўлишига эриша оламиз.

Иқтисодиётни тикламасдан, аҳолининг мураккаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилмай туриб, Афғонистонда тинчликка эришиб бўлмайди. Афғонистоннинг иқтисодий келажагига сармоя киритишни давом эттириш муҳимдир. Инсонпарварлик дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштиришни қисқартиришга йўл қўймаслик керак.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Афғонистондаги Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси ва шу каби бошқа кенг миқёсли инфратузилмавий ҳамда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборди. Электр узатиш линияси Кобулни Марказий Осиёнинг ягона энергетик тизимига улайди. Бундан ташқари, Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси "CASA-1000" лойиҳасининг таркибий қисми бўлиши ва электр энергиясини Покистон ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларига етказиб бериш учун замин яратади.

Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий интеграцияга жалб қилишга имкон берувчи транспорт-логистика лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдордир.

Мамлакатимиз, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва бошқа халқаро шериклар билан биргаликда Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи Мозори-Шариф — Ҳирот ва Мозори-Шариф — Пешовар темир йўл лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишга тайёр.

Мазори-Шарифни Покистон денгиз портлари билан боғловчи темир йўл лойиҳалари бугунги кунда Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланилаётган Евроосиё ўзаро боғлиқлик концепциясининг бир қисми бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур йўналишнинг очилиши Марказий Осиё давлатлари учун Покистоннинг Гвадар ҳамда Карачи портларига чиқиш ва кейинчалик Ҳиндистон ҳамда Бангладешга юклар транзитини фаоллаштириш учун кўмаклашади.

Шу муносабат билан **Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг** Афғонистондан Ўзбекистон ва Қозоғистон орқали Хитойга биринчи контейнер поезди йўлга қўйилганига бағишланган тантанали тадбирда айтган сўзларини таъкидлаб ўтишни муҳим, деб ҳисоблайман. А. Ғани Ўзбекистоннинг транзит юк ташиш ва минтақада транспорт-коммуникация йўналишларини ривожлантириш борасидаги кўмагини юқори баҳолади ва афғон юкларининг Хитойга транзитида кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлигини билдирди. **"Дўстим Президент Шавкат Мирзиёевга Афғонистон халқи ва ҳукуматига мамлакатни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида кўрсатилаётган ёрдам учун самимий миннатдорлигимни билдираман". Фикримча, бу Афғонистоннинг иқтисодий инфратузилмасини қайта тиклашда Ўзбекистон кўрсатаётган амалий ёрдам учун афғон халқи томонидан берилган энг юқори баҳодир.**

Шуни таъкидлаш муҳимки, таълим олиш имкониятини яратмай туриб, мамлакатнинг тўлақонли тинч ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, Афғонистондаги уруш давомида зўравонликдан бошқа ҳеч нимани кўрмаган бутун бир авлод вояга етгани ҳеч кимга сир эмас.

Афғон ёшларига ўз тақдирларини ўзлари белгилаш имкониятини бериш орқали жамиятда таълим ва маърифатнинг нафрат ва экстремизм ғояларига қарши тура оладиган нуфузини шакллантириш лозим. Ўзбекистон бу борада фаол иш олиб бормоқда. **Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз шаҳрида афғон фуқароларини ўқитиш учун Таълим маркази барпо этилди.** Ҳозирги кунда навбатдаги талабалар танлови кетмоқда. 2020 йилда марказда 200 га яқин кишилар имтиёзли асосда ўқитилади. Келгусида талабалар сонини 300 кишига етказиш, таълим йўналишларини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. **Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш махсус халқаро жамғармасини тузиш таклифи билан чиқди.** Жамғарманинг асосий мақсади — ёшларни Афғонистонда керакли мутахассисликка ўқитиш, қобилиятли талабалар ва ёш олимлар учун стипендия ҳамда грантлар ажратиш.

Тошкент дўстлик рамзи сифатида Кобулга фаол равишда тўлақонли инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда. Биз биродар афғон халқи олдида катта масъулиятимизни англаймиз ва бу борада ҳаракатларни давом эттирамиз.

*— Тинчлик битимидан сўнг, яъни тинчликка эришилган кейинги даврда ("post-peace period") Афғонистоннинг узоқ муддатли ривожланиши ҳақида сўз бораркан, Ўзбекистоннинг афғон сиёсати устувор йўналишлари қандай бўлади?*

— Ўзбекистон ўзининг афғон сиёсатида доимо самимий бўлиб келган. Бу давлатга нисбатан бизда бирон-бир сиёсий ёки яширин мақсадлар йўқ. Биз фақатгина битта, жуда оддий ва прагматик тамойилга амал қиламиз: "Қўшнинг тинч — сен тинч". Бунинг устига, Марказий Осиё — бу бизнинг умумий уйимиз, Афғонистон эса унинг ажралмас қисми эканлигига аминмиз, шунинг учун биз фақат бирга бўлган тақдирдагина жадал ривожланишимиз мумкин.

Бу бизнинг асосий ва пировард мақсадимиз. Биз ҳеч қачон бошқа ниятни кўзламаганмиз, доимо бетараф мавқени эгаллаб келганмиз ва бу давлатнинг ички ишларига аралашмаганмиз.

Натижасини кўриб турибсиз, Ўзбекистон Афғонистоннинг барча сиёсий кучлари, шу жумладан, "Толибон" ҳаракати орасида ўз обрў ва эътиборига эга. Уларнинг барчаси республикамизнинг бу мамлакатда тинчлик ўрнатишга қаратилган самимий саъй-ҳаракатларини тан олади ва қўллаб-қувватлайди.

*— Бугунги кунда толибларни бўлажак давлат бошқарувига жалб қилиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон биринчилар қаторида 1999 йилда "Толибон" ҳаракати билан алоқалар ўрнатиб, шу кунгача мулоқот сақланиб келмоқда. Кўпчилик ҳам бу ёндашувни қўллаб-қувватламаган эди...*

— Толиблар афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз давлатининг келажагини белгилашда иштирок этишлари лозим деган тамойилга асосланганмиз.

Энг янги тарих нуқтаи назари билан қараганда, "Толибон" ҳаракати билан бугунги мулоқотни биз кўп томонлама тинчлик жараёнини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш сифатида кўрамиз. Ўзбекистон ушбу жараённи 1990-йилларда "6+2" форматида қўллаб-қувватлашга анча уринган эди. Айни ўша пайтларда бизнинг вакилларимиз Қандаҳорда толиблар раҳбарлари билан учрашган.

Бу борада эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Фикримизча, 2001 йилги Афғонистон бўйича Бонн конференциясининг асосий хатоси шундан иборат эдики, мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларга толибонлар жалб қилинмаганлиги оқибатида уруш яна 18 йилдан буён давом этиб келмоқда.

Аввалги йилларда бўлганидек, бугун ҳам умумий вазифа ўзгармасдан қолмоқда, яъни имкони бор масалаларда аста-секинлик ва сабр билан ўзаро консенсусга эришиш мақсадида ҳар ерда тўғридан-тўғри кенг қамровли афғонлараро инклюзив музокараларни йўлга қўйишдир.

Шу маънода, толиблар билан мулоқот нафақат мақсадга мувофиқ, балки ўта зарур ҳамдир. Бироқ ҳар қандай тинчлик жараёнининг бошланиши "Толибон" ҳаракатининг ҳар қандай террорчилик фаолияти ва зўравонликдан воз кечиши, АҚШ билан имзоланган битим моҳиятида кўзда тутилганидек, ўт очишдан воз кечишга, албатта, риоя қилишни тақозо этади.

*— Афғонистон масаласида Ўзбекистоннинг яна қандай имкониятлари мавжуд?*

— Ўзбекистон чуқур дипломатик анъаналарни қамраб олган ноёб давлатчилик тажрибасига эга. Маълумки, дипломатия, шунингдек, музокаралар ва тичликпарварлик санъати Евроосиёнинг бизга тегишли қисмида, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлик тарихий мерос ва давомийликка эга. Айнан мана шу тарихан бой ўзбек дипломатиясининг тажрибаси Афғонистон муаммоси каби халқаро можароларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Афсуски, замонавий жаҳон тизими ўзида кўплаб хатар ва таҳдидларни сақлаб келмоқда. Биз глобал беқарорлик даражасининг ўсиб боришини кузатиб турибмиз, бу эса, ўз навбатида, хавфсизлик масалаларининг халқаро кун тартибида етакчи ўринга чиқишига сабаб бўлмоқда. Бироқ афғон низоси каби инқирозларда энг асосий масала — бу муаммодан кейинги ҳал этиш даври, халқаро миграция масалаларига ечим топиш ва бошқалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу ўринда Ўзбекистон дипломатияси тажрибаси халқаро ҳамжамият учун қўл келади.

*— АҚШ ва "Толибон" ҳаракати ўртасида битим имзоланиши катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, тез орада тинчлик ўрнатилишига умид туғдиради. Тинчлик жараёнини янада илгари суриш учун яна қандай амалий чора-тадбирларни кўриш керак?*

— 18 йилдан буён тўхтамаётган жанглардан сўнг АҚШ ва "Толибон" ҳаракати ўртасида битим имзоланиши, албатта, бутун минтақа учун муҳим воқеадир. Бунинг Афғонистондаги тинчлик учун аҳамиятини баҳолаш мушкул вазифа.

Аммо олдинда ҳали мураккаб иш турибди. Вазиятни тўғри тушуниш керак. Кўплаб қийин, нозик муаммолар сақланиб қолмоқда. Аслини олганда, АҚШ ва толиблар ўртасидаги битим тинчликка олиб борувчи йўлнинг ниҳояси эмас, балки фақат бошланишидир.

Ҳозир бевосита тинчлик жараёни, афғонлараро тўғридан-тўғри мулоқотни бошлаш муҳим. Эндиликда ҳамма нарса Афғонистон халқининг мустаҳкам иродаси, бирлиги ва қатъиятига боғлиқ.

Шу муносабат билан имкон қадар тезда ҳукумат ва мухолифат делегацияларини шакллантириш, Афғонистонни тинч йўллар билан қайта тиклаш барча масалалари бўйича конструктив мулоқотни бошлаш жуда муҳимдир. Бу жараён ҳар қандай ташқи аралашувдан холи бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, Афғонистон тақдири афғонларнинг ўз қўлидадир.

Суҳбатимиз якунида Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича Тошкент конференциясида айтган қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: **Афғонистоннинг келажаги халқаро ҳамжамиятнинг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга қарши курашишга ожиз эканини кўрсатадиган мисолга айланиб қолмаслиги лозим.**

**Бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.**

Ушбу сўзлар ўшанда кенг миқёсли халқаро анжуман иштирокчиларининг ҳеч бирини бефарқ қолдирмаган эди. Бугунги куннинг асосий вазифаси ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан Афғонистон халқига тинчлик ва фаровонлик йўлида қатъий туриш учун ёрдам беришдан иборат.

Бунда Афғонистон доимо ўзининг дўст қўшниси — Ўзбекистонга ишониши мумкин.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

1

1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда бериш таклиф этилди. Бу 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ҳаётидаги энг жиддий муаммо ҳисобланади.

Қонуннинг амалдаги таҳрири 28 йил аввал қабул қилинганлиги ва унинг деярли барча нормалари эскириб, замон талабларига жавоб бермай қўйганлиги таъкидланди. Қонунда фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Қонун билан мустаҳкамланаётган янги нормалар ҳақида сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссиянинг мақоми, асосий вазифалари ва ваколатлари белгилаб қўйилганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, туғилган жойи ёки ота-онасининг фуқаролиги бўйича болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини белгилаш тартиби мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда идоралараро электрон ҳамкорлик механизмлари назарда тутилган.

Сўзга чиққанлар қонун қабул қилиниши билан соҳага доир қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир хилда бўлиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниши таъминланишига хизмат қилишини таъкидлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент юқори палатаси аъзолари “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари белгиланмоқда. Оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини тайёрлаш кабилар шулар жумласидан.

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, уларнинг бу соҳадаги ваколатлари очиб берилади.

Шу билан бирга, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолини рўйхатга олишдаги иштироки назарда тутилмоқда, шунингдек, респондентлар ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари очиб берилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши халқаро стандартларга жавоб берадиган, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга соладиган мослашувчан ва очиқ-ошкора ҳуқуқий доираларни яратишни давом эттиришга ҳамда бир қатор долзарб вазифаларни бажаришга кўмаклашади. Жумладан, аҳоли таркибида юз берган глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар ҳолатини яхшилаш, шунингдек, Барқарор тараққиёт миллий мақсадларини шакллантириш ва мониторинг қилиш каби вазифаларни бажариш таъминланади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

“Метрология тўғрисида”ги амалдаги қонуннинг кейинги моддалари бир хилда талқин қилинишини таъминлаш учун асосий тушунчалар “давлат метрология хизмати”, “метрологик кузатувчанлик”, “ўлчашлар аниқлигининг кўрсаткичи” каби терминлар билан тўлдирилган. Бундай терминлар киритилиши билан “ўлчаш воситаларини қиёслаш” ва “метрология хизмати” терминларининг таърифи ўзгартирилмоқда.

Бундан ташқари, ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган субъектлар, хусусан, давлат метрология хизмати, давлат бошқаруви органларининг метрология хизматлари ва юридик шахслар метрология хизматлари томонидан метрология назоратини ўтказиш ҳуқуқлари белгиланмоқда. Шунингдек, алоҳида моддаларда метрология хизматларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мустаҳкамланмоқда.

Қонунда, шунингдек, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга оид норматив ҳужжатлар турларининг рўйхати белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун қабул қилиниши ўлчашнинг ишончсиз натижалари вужудга келишининг ва амалда қўлланилишининг олдини олиш орқали фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, иқтисодиётимизнинг глобаллашуви тез суръатлар билан ривожланаётган, хўжаликлараро, давлатлараро алоқалар ривожланаётган ҳамда минтақавий ва халқаро даражаларда қонунчилик бирхиллаштирилаётган бир шароитда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро тижорат арбитражи низоларини ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Шуларни инобатга олиб, мазкур қонун зарурати бир қатор омиллар билан асосланади. Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, улар фаолиятининг асосий принципларини белгилаш, хорижий инвесторлар, шунингдек, миллий компанияларни чет эллик ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш каби омиллар шулар жумласидан.

Бироқ сенаторлар таъкидлаганидек, қонунда қатор концептуал камчиликлар мавжуд. Масалан, қонуннинг 3-моддасида унинг қўлланилиш соҳаси белгиланган бўлса-да, халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ва тамойиллари очиб берилмаган.

Шунингдек, 6-моддада қонуннинг қўлланилиш соҳасини батафсил изоҳлаш ўрнига ҳал қилиш учун халқаро тижорат арбитражига топширилиши мумкин бўлган низолар санаб ўтилган. Сенаторларнинг фикрича, ушбу нормада халқаро тижорат арбитражи кўриб чиқиши мумкин бўлган низо предмети тўлиқ ёритилмаган. Бу ва бошқа камчиликлар туфайли қонунни жиддий такомилига етказиш зарурлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

Сўнгра Олий Мажлис Сенати аъзолари “Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Қонун билан 22 март “Маҳалла тизими ходимлари куни” этиб белгиланмоқда. Сўзга чиққанлар қайд этганидек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маҳалла институтининг роли катта. Юртимизнинг бой тарихи билан чамбарчас боғлиқ бу ўзига хос институтнинг мавқеини янада оширишда маҳалла тизими ходимлари фаолияти жамиятда муҳим аҳамиятга эга. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра юқори палата аъзолари “Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик процессуал кодексларига, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Жумладан, Оила кодексига киритилаётган қўшимчаларда оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак. Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли.

Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек, бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги модда билан тўлдирилмоқда. Унга мувофиқ, вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли.

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Бунга кўра, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек, муомала лаёқати чекланган, деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган, деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Сенаторлар мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга кўмаклашишини таъкидладилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлари, Солиқ, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунидаги нормалар ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг ваколати ҳисобланиши, шунингдек, Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун судлов таркибларини шакллантириш судлов ҳайъатлари раисларининг ваколати ҳисобланиши ҳақидаги нормаларнинг мавжудлиги судларда ишларни электрон тизимдан фойдаланган ҳолда инсон аралашувисиз, автоматик равишда тақсимлаш тартибини амалиётга тўлиқ жорий этиш имкониятини яратиб беради.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш киритилиб, натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни тезкор ҳал қилишга эришилади. Шунингдек, 2020 йил 1 февралдан бошлаб юридик шахслар томонидан даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилиши белгиланган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 150-моддасига даъвогар томонидан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга ва учинчи шахсларга электрон тарзда юбориш имкониятини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бунда даъвогар-солиқ тўловчи даъво аризаси ва илова ҳужжатларини судга тақдим этишдан олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали бошқа солиқ тўловчи-жавобгар ва учинчи шахсларга юбориш ҳамда ҳужжатлар юборилганлиги ҳақидаги тасдиқловчи маълумотни кейинчалик судга тақдим этиш учун ахборот тизими орқали юклаб олиш имкониятига эга бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра парламент аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг 4 та қонуни, 2 та кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилган.

Шунингдек, киритилаётган қўшимчаларда Ҳисоб палатаси бюджет ва смета-штат интизомини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Ҳисоб палатаси ваколатларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ва уни маъмурий судга юбориш назарда тутилмоқда.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари сиёсий партияларга аъзолигини чеклашни назарда тутадиган қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда.

Кўрсатиладиган микромолиялаш хизматларини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромолиялаш хизматларига бўлган ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлаш қобилиятини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига муайян суммадан ошмайдиган миқдорда микромолиялаш хизматлари суммасини белгилашни, жумладан, қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сўмдан ошмайдиган суммада микрокредит беришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган Ҳисоб палатаси вазифалари, функциялари ва ваколатларини амалга ошириш мақсадида Бюджет кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни норма билан тўлдирилмоқда. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиш, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиш ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириш бўйича Ҳисоб палатаси раисининг ваколатларини амалга ошириш белгиланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент аъзолари томонидан “Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини босқичма-босқич бирхиллаштиришга кўмаклашишга қаратилган.

Конференциянинг битта ва ундан ортиқ сессиясида иштирок этган ва унинг Уставини қабул қилган давлатлар Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси аъзолари ҳисобланиши таъкидланди. Ўзбекистоннинг Гаага конференциясига аъзо бўлиши халқаро оилавий ва хусусий ҳуқуқ нормаларини бирхиллаштириш тартиб-таомилида мамлакат иштирокини таъминлаш, жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш, давлат фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Гаага конференцияси Кенгашига кириш орқали унинг иш дастурини белгилашда иштирок этиши, Гаага конференцияси томонидан кўриб чиқилаётган янги конвенциялар юзасидан музокараларда қатнашиши ва халқаро майдонда ўз манфаатларини тарғиб қилиши мумкин.

Қонун мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишини янада чуқурлаштиришга кўмаклашиши таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқди.

Бу ҳужжат ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги ҳамда маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлашга кўмаклашиши таъкидланди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Сенат аъзолари Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронликни аниқлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Тегишли хизматларни янада такомиллаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида ягона сиёсатни шакллантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ташкил этилган.

Бироқ олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган. Фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар сони сўнгги уч йилда 9 фоизга ошган.

Ногиронлик профилактикаси, бундай шахсларни тиббий-ижтимоий ва малакавий реабилитация қилиш бўйича яқин, ўрта ёки узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги бундай шахсларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан ушбу парламент сўровини йўллаш зарурати пайдо бўлди. Мазкур масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2019 йил якуни бўйича ахборотини эшитди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Таъкидланганидек, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича муайян иш олиб борилди.

Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган самарали тадбирлар натижасида гиёҳвандлик, коррупция ва иқтисодий йўналишларга оид қарийб 4,5 мингта жиноят аниқланган.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар ички ишлар органлари фаолиятида муайян камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаган, оилалардаги жанжаллар кўп ҳолларда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилиши кенг тус олган.

Бундан ташқари, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлишига қарамасдан, ИИВнинг бу борадаги ишларни тартибга солувчи буйруғи 2020 йил 3 февраль куни қабул қилинган. Шу туфайли тазйиққа учраган хотин-қизларнинг фақатгина 3 нафарига ҳимоя ордери берилган. 142 та қотилликнинг 70 таси (49,2%) эр-хотинлар ўртасида келиб чиққан низолар сабабли содир этилган.

Мазкур жиноятлар аксариятининг ўз вақтида олдини олиш чоралари мавжуд бўлса-да, бунга жойлардаги профилактика инспекторлари, тегишли ҳокимлар, сектор раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етарли эътибор қаратилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмасдан келинаётганлиги оқибатида 5032 нафар аёл жиноят содир этган ва бу жиноятларни содир этиш ҳолатлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқорилигича қолган.

Одам савдоси жиноятларининг сони 2012 — 2019 йиллар давомида олти баробар камайишига (574/94) эришилган бўлса-да, ушбу даврда болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ёшлар билан ишлашда ҳануз кўплаб муаммолар сақланмоқда. Ўтган йили республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (11787 та) ёшлар томонидан содир этилган.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан Ички ишлар вазирлиги фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди. Жумладан, профилактика инспекторлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар юзасидан кунлик ахборот алмашинувини қатъий назоратга олиш, шунингдек, жиноят содир этишга олиб келадиган сабабларни мониторинг ва таҳлил қилиш ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Республиканинг қатор ҳудудларидаги ижобий тажрибаларни, жумладан, жиноятчиликни жиловлаш бўйича Андижоннинг “Намунали ҳудуд” концепциясини, хотин-қизлар билан ишлашнинг Бухоро тажрибасини, ёшлар билан ишлашнинг Фарғона тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш зарурлигига урғу берилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳам эшитди.

Таъкидланганидек, ташқи сиёсий алоқаларни янада ривожлантириш бўйича вазирлик томонидан муайян иш олиб борилган. Вазирликнинг бевосита ва фаол иштирокида 2019 йилда давлатимиз раҳбари ҳамда хорижий давлатлар ва халқаро тузилмалар раҳбарларининг 20 та ташрифи ташкил этилди. Олий даражадаги ташрифлар ва тадбирлар якунлари бўйича Ўзбекистон Ҳукумати томонидан хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 138 та “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатор юқори даражадаги тадбирлар, хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳатлашув учрашуви ўтказилди. Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида сармоявий бизнес-форумлар ўтказилди, потенциал хорижий инвесторларнинг кўплаб ташрифлари амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича икки томонлама олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида 122 та икки томонлама халқаро шартнома имзоланди, 28 та кўп томонлама халқаро ҳужжат ратификация қилинди.

Шу билан бирга, вазирлик фаолиятида бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, вазирлик ва Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналарининг ахборот-таҳлил фаолияти натижадорлиги ўта суст бўлиб қолмоқда. Ишончли маълумот манбаларининг камлиги, асосан, оммабоп маълумотларга таянган ахборотномаларнинг тайёрланиши ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган долзарб ташқи сиёсий ташаббус ва таклифларнинг тақчиллигига олиб келмоқда.

Шунингдек, сўзга чиққанлар томонидан иқтисодий дипломатия самарадорлигининг ўта пастлиги қайд этилди. Вазирлик ҳисоботига кўра, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 1200 дан ортиқ бизнес-форумлар ўтказилди, 3700 дан ортиқ ўзаро ташрифлар амалга оширилди. Аммо уларнинг амалий натижаси деярли йўқ, айрим ҳолларда тадбирлар номига ва самарасиз ўтказилмоқда.

Хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқилишига ҳанузгача юзаки қаралмоқда. Хорижий мамлакат компанияларининг таклифларига тегишли ташкилотларнинг жавоб бермаслиги, қайта алоқанинг йўқлиги натижасида лойиҳаларни кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетмоқда. Идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш масаласи ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаган. Аёл кадрларни юқори дипломатик лавозимларга тайёрлаш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир қатор тавсиялар билдирилди. Жумладан, Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот-таҳлил фаолияти ҳамда вазирлик томонидан ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ ва тезкор чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг уларга бириктирилган республика ҳудудларининг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш учун шахсий жавобгарлиги кўрсатилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар ота-оналар қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу парламент сўровига берилган жавоб кўриб чиқилгач, Сенатнинг тегишли қўмитаси томонидан бу йўналишда муайян иш олиб борилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, бу йўналишдаги қатор камчиликлар ҳам қайд этилди. Жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаган. Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолганларни Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш фақат туман (шаҳар) ҳокимлари ихтиёрида қолиб кетаётганлиги уларнинг келгуси тақдирини белгилашда субъектив ёндашув ҳал қилувчи омил бўлиб қолишига олиб келмоқда. Бу эса кўп ҳолларда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолганларни патронат ёки оилалар қарамоғига бериш ишлари самарали йўлга қўйилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ва бошқа муаммоларни муҳокама қилиб, сенаторлар бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирди. Энг аввало, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, яъни “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бунда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилавий ҳамда болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби ва шаклларини аниқ белгилаш муҳимдир.

Бундан ташқари, шундай болаларни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат оилавий муассасаларга жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва Тошкент вилоятидаги чегара божхона постлари фаолиятини ўрганиш ҳолати юзасидан парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 6 февраль куни тақдим этилган сўровга берилган жавобга мувофиқ, парламент сўровида кўтарилган масалалар масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда батафсил кўриб чиқилганлиги таъкидланди.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар ижросини тўлақонли таъминлаш, мазкур хизматда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Мажбурий ижро бюроси ва бошқа давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Бироқ амалга оширилган ишлар билан бирга, парламент сўровида кўтарилган баъзи масалаларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги оқибатида соҳада айрим тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, чегара божхона постлари яқинида автотранспорт воситалари билан боғлиқ тирбандликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Мажлисда бу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар билдирилди. Жумладан, 2020 йилнинг 15 апрелига қадар чегара божхона постлари яқинида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Уч ой муддатда мамлакатимиздаги чегара божхона постларида кеча-ю кундуз валюта айирбошлаш, пул маблағларини нақд пулга алмаштириш, нақд ва нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш терминалларини ўрнатиш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосарини — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқди. Бу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳасида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**
**ҚАРОРИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Бобир Норбобоевич **Исламов** ўн йил муддатга;

Абдурасул Ғаппорович **Эранов** муддатсиз даврга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Сайлаубай Аманбаевич **Мамбеткадиров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**Т. НАРБАЕВА**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 февраль

# ДЕПУТАТЛАР ТОЖИКИСТОНДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИНИ КУЗАТИБ БОРАДИ

*2020 йилнинг 27 февраль куни МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси халқаро кузатувчилари гуруҳи мувофиқлаштирувчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Улуғбек Иноятов, шунингдек, қуйи палата депутати Гулруҳ Аъзамова Тожикистонга ташриф буюрди. Улар шу йил 1 март куни мазкур давлатда бўлиб ўтадиган парламент қуйи палатаси сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатиб боради.*

## Ҳамкорлик

Кузатувчилар миссияси Тожикистон Республикаси Демократик партияси раиси Саиджаъфар Усмонзода ва Тожикистон Республикаси Социал партияси раиси Абдуҳалим Ғаффоров билан учрашди.

Эътироф этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар жадал суръатларда ривожланяпти, стратегик шериклик даражасига чиққан кўп қиррали ҳамкорликда ижобий ўсиш кузатилмоқда.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий алоқалар фаоллашгани алоҳида таъкидланди. Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, сув ресурсларини тақсимлаш, чегараолди ўзаро ҳамкорлиги каби муҳим масалалар ўз ечимини топаётир.

Мулоқотда Тожикистон сайлов қонунчилиги, парламент сайлови жараёнида Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, мамлакатдаги маҳаллий сайлов комиссиялари фаолиятига тўхталиб ўтилди.

Кузатувчилар миссияси ўз ишини 3 мартгача давом эттиради ва ушбу давлат шаҳар ҳамда туманларида бўлади. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Тожикистон сиёсий партиялари етакчилари, ЕХҲТ ДИИҲББ миссияси раҳбари Эберхард Пол билан учрашади, МДҲ ПАдан халқаро кузатувчилар гуруҳлари мажлисларида иштирок этади, Душанбедаги сайлов участкалари очилиши ва сайловларнинг боришини кузатади. Якунда МДҲдан кузатувчилар миссиясининг якуний матбуот анжуманида қатнашади.

Тожикистон МСК маълумотларига кўра, Тожикистон парламенти қуйи палатаси сайловларида 63 та депутатлик мандати учун 241 номзод кураш олиб боради. Шулардан 176 нафари 41 та бир мандатли сайлов округлари бўйича, 65 нафари ягона умумреспублика сайлов округи партия рўйхати бўйича сайловларда иштирок этади.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ АКС ЭТГАН ҚОНУНЛАР

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид 17 та масала муҳокама қилинди. Жумладан, қатор янги қонунлар маъқулланди, Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари муҳокама этилди. Бундан ташқари, сенаторлар Ҳукуматга аҳолини қийнаётган муаммолар бўйича янги сўровлар юборишга қарор қилишди.*

*Илк маротаба Сенатнинг ялпи мажлисида ёшлар иштирок этиб, юқори палатанинг иш услуби билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.*

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**



— Сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун маъқулланди. Унинг асосида аҳолимизни анчадан бери қизиқтириб келаётган бир неча масалаларга ойдинлик киритилади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс бир неча нормалар билан тўлдирилди. Эндиликда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Сенат Раиси бу тартибни амалга оширишда халққа унинг аҳамиятини кенгроқ тушунтириш муҳимлигини, тўйлар ва бошқа оилавий тадбирлар бамаслаҳат қилинишини инобатга олиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада Сенатга бўлаётган мурожаатлар аҳолимизнинг янги тартиблардан рози бўлаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқбузар томонидан жарима тўлаш муддати ўн беш кундан ўттиз кунгача узайтирилмоқда.

**Равшан ОЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:**



— Ялпи мажлисда сенаторлар Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиб, вазирлик томонидан ташқи сиёсий алоқаларни янада ривожлантириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилганини қайд этишди.

Вазирликнинг бевосита ва фаол иштирокида 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11 расмий ва ишчи ташрифи амалга оширилиб, хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 138 та “Йўл харитаси” қабул қилинган.

Қолаверса, вазирлик фаолиятида бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилди. Хусусан, вазирлик ва Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналарининг ахборот-таҳлил фаолияти натижадорлиги ўта суст бўлиб қолмоқда. Ишончли маълумот манбаларининг камлиги, асосан, оммабоп маълумотларга таянган ахборотномаларнинг тайёрланиши ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган долзарб ташқи сиёсий ташаббус ва таклифларнинг тақчиллигига олиб келмоқда.

Айниқса, иқтисодий дипломатия самарадорлиги ўта паст. Вазирлик ҳисоботига кўра, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан 1200 дан ортиқ бизнес форумлари, 3700 дан зиёд ўзаро ташрифлар ўтказилган. Аммо уларнинг амалий натижаси деярли йўқ, айрим ҳолларда тадбирлар номига ва самарасиз ўтказилмоқда. Хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ мақсадли режалар ишлаб чиқиш масаласига ҳанузгача юзаки қаралмоқда. Чет эл компанияларининг таклифлари бўйича тегишли ташкилотларнинг жавоб бермаслиги, қайта алоқанинг йўқлиги натижасида лойиҳаларни кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетяпти.

Ўз навбатида, вазирлик кадрлар захирасини шакллантириш, ротация тартиби, раҳбар дипломатик ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида жиддий номутаносибликлар мавжуд. Ўзбекистоннинг қатор хориждаги дипломатик ваколатхоналарида узоқ давр мобайнида вакансиялар сақланиб келинмоқда. Аёл кадрларни юқори дипломатик лавозимларга тайёрлаш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган. Мажлисда тақдим этилган ҳисобот юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:**



— Ҳозирги даврда бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро тижорат арбитражи — низоларни ҳал этишнинг муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда халқаро тижорат арбитраж судларини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро тижорат арбитраж суди фаолиятининг асосий принципларини белгилашни мақсад қилади.

Бироқ унда бир қатор концептуал камчиликлар мавжуд. Қонуннинг 3-моддасида унинг қўлланилиш соҳаси белгиланган бўлса-да, унда тижорат арбитражининг халқаролиги тушунчаси ва тамойиллари очиб берилмаган.

Қонуннинг қўлланилиш соҳасини бафуржа изоҳлаш ўрнига белгиланган 6-моддасида ҳал қилиш учун халқаро тижорат арбитражига топширилиши мумкин бўлган низолар санаб ўтилган, холос. Тегишли нормада халқаро тижорат арбитражи кўриб чиқиши мумкин бўлган низо предмети тўлиқ ёритилмаган.

Шу билан бирга, қонунда ҳал қилиш учун арбитражга топшириладиган низолар сирасига интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган ҳар қандай низолар ҳам асоссиз киритилган. Мазкур қонун халқаро тижорат арбитражи жараёнини тартибга солади ва унда ташкилий шаклларга урғу бериш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, бундай меъёрларнинг қонунда акс эттирилиши “арбитраж ташкилоти” тушунчаси ёритилиши каби бир қатор ноаниқликлар туғдиради. Ваҳолонки, арбитражнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қоидалар унинг ички регламенти билан тартибга солиниши даркор. Шуларни инобатга олган ҳолда, қонун сенаторлар томонидан рад қилинди.

**Бахтигул БЎТАЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**



— Президентимиз парламентга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида муҳим қадам қўйиш ва мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомини олмаган юртдошларимиз муаммосини қонунга мувофиқ ҳал этиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш зарурлигини қайд этган эди. 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон фуқаролигини автоматик тарзда бериш таклиф этилди. Бу 50 мингга яқин юртдошларимизнинг ҳаётидаги энг жиддий муаммо ҳисобланади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги таҳрири 28 йил аввал қабул қилинган. Унинг деярли барча нормалари эскириб, замон талабларига жавоб бермай қўйган.

Қонунда фуқаролик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик базасини яратиш, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

**Шаҳноза САМАТОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси:**



— Илк маротаба юртимиздаги кўп сонли ёшларнинг вакили сифатида Олий Мажлис Сенатининг биносида ялпи мажлисда иштирок этиб, сенаторларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу биз учун унутилмас воқеа, десам, муболаға бўлмайди. Буни ўзига хос масъулият сифатида ҳам қабул қилдик. Сенаторларнинг иш услуби, қонунлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таҳлиллар, мунозараларга гувоҳ бўлдик. Мамлакатимизнинг келажак тақдирига дахлдор ҳужжатлар қай тарзда маъқулланишини кўриб, ҳар бир ҳужжат замирида қандай катта меҳнат ётишини ҳис этдик. Бу эса бизнинг қонунларни янада пухта ўрганиш ва уларнинг ижросига масъулият билан қарашга ўргатади.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# Парламент вакили ТуркПА семинарида қатнашди

Парламентлараро ҳамкорлик, депутатларнинг нуфузли халқаро анжуманлардаги иштироки ва уларда кўтарилаётган масалалар, билдирилаётган таклиф ҳамда ташаббусларнинг амалиётда ўз ифодасини топаётгани бугун миллий парламентимиз халқаро фаолияти изчиллик касб этаётганидан далолат беради.

Жорий йил 27-28 февраль кунлари Туркиянинг Анқара шаҳрида Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси Ижтимоий, маданий ва гуманитар масалалар бўйича комиссияси томонидан семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Туркиянинг маданият соҳаси вакиллари ҳамда депутатлари иштирок этди.

ТуркПА туркий тилли давлатлар парламентлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Тадбирда у нафақат парламентлараро муносабатларни, балки маданият соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаши зарурлиги таъкидланди.

Семинарда кинематография соҳасидаги модель қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди. “Болалар фильмлари, анимация сектори ва унинг аҳамияти”, шунингдек, кинематография соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, жумладан, соҳага оид “Кинематография ва бошқа аудиовизуал маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Кинематография тўғрисида”ги модель қонун лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган сессиялар бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари ҳар икки қонун лойиҳаси ҳам Ўзбекистон учун зарурлигини билдириб, улар юзасидан ишчи гуруҳга ўз таклиф ва тавсияларини тақдим этишди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Қодир Жўраев “Кинематография соҳасининг ривожланиш ҳолати ва истиқболли йўналишлари” мавзуида маъруза қилди.

Туркий тилли мамлакатларнинг парламент аъзоларини Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери Мустафа Шантоп қабул қилди.

**«Халқ сўзи».**

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

# ЕР АЖРАТИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКДАГИ АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР — МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, ўз сайловчилари билан мулоқотлар ўтказишмоқда. Мақсад мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.*



Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов Сурхондарё вилоятида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида урғу берилди. Кундалик ҳаётда тез-тез учраётган долзарб масалалар муҳокамалар марказида бўлди. Ер ажратишга доир қонунчиликдаги айрим камчиликлар, юртимизда ҳанузгача мукаммал шаклланмаган суғурта бозори, ортиқча сарф-харажатлар билан ўтаётган тўйлар масаласи шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда камбағалликни камайтиришда намунали томорқачиликнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бу борадаги амалий ҳаракатни кучайтириш мақсадида Сурхондарё вилояти Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳомийлиги асосида “Томорқачилар мактаби”ни ташкил этиш ташаббуси ўртага ташланди. Бу орқали, аввало, деҳқончиликнинг илғор амалиётларини кенг тарғиб қилиш, ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга эришилади. Хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги таъминланади.

Шунингдек, олий ўқув юртларига кириш бўйича қабул квоталарини белгилашда ҳудудлардаги эҳтиёжни инобатга олиш, ўқишга кира олмаган ёшлар бандлигини таъминлаш лозимлиги ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Термиз туманида тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда. Шунинг пировардида ҳудудда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ миқдори 2017 йилдагига нисбатан 3 баравар кўпайган. Бу эса туманнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож топаётганидан дарак беради.

Ўзаро мулоқотларда таъкидландики, аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ЎзЛиДеП электорати манфаатларини ҳимоялашга сиёсий партия фракцияси алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу жиҳат қонун ижодкорлигида ҳам ўз ифодасини топиб, янги ҳаётий қонунларни қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар билан учрашувларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини очиқ ва ёпиқ усулда етиштириш бўйича илғор агротехникага доир қўлланмалар тарқатилди.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОДДИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИДАН ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРГАЧА

## депутат иштирокида ўрганилмоқда

*Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани. Ушбу тоғли ҳудуднинг ўзига яраша афзалликлари бўлганидек, муаммолари ҳам бор. Шу боис парламент қуйи палатасига Яккабоғ сайлов округидан сайланган депутат Шаҳноза Холмахаматова маҳаллий Кенгаш депутатлари, турли вазирлик ва идоралар масъуллари, ҳокимлик вакиллари билан биргаликда туманнинг ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли хонадонларида бўлди.*

Илк манзил — Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмаси. Депутат эътиборидаги масала эса туманда тиббий хизмат ҳолати, хусусан, узоқ тоғли ҳудудларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи бўлди. Яккабоғ туманининг узоқ, улов бориши қийин бўлган ёлғизоёқ йўллари орқали қатналадиган тоғли ҳудудларида 35 та қишлоқ мавжуд. Уларнинг 13 тасида аҳоли учун қишлоқ врачлик пунктларига эҳтиёж бор. Биринчи тиббий ёрдамдан фойдаланиш учун аҳоли энг камида 6-7 километрлаб масофани босиб ўтаётгани, қиш кунларида йўллардаги ноқулайликлар туфайли аҳолининг тиббий хизматдан умуман узилиб қолаётгани ҳудудда яшовчиларга анча ноқулайликлар туғдирмоқда.

Аҳолининг истак-хоҳишларидан келиб чиқиб, депутат томонидан Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудларида жойлашган Ишкент, Тутак, Калтақўл, Зармас, Гулдара, Хонақа қишлоқларида қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш таклиф қилинди.

Инсонларнинг дарду ташвишларига қулоқ тутиш, уларнинг ечими юзасидан аниқ чоралар кўриш бугун парламент аъзолари фаолиятининг асосини ташкил этади. Шу маънода, айнан тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ойсанам Бобоқулованинг мулоҳазалари тингланди. Унинг сўзларига кўра, ҳозирги кунда туманнинг чекка ҳудудларида шифокорлар етишмайди, тиббиёт олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассислар эса ўз ҳудудига келиб фаолият юритмаяпти. Олий маълумотли кадрлар етишмаслиги чекка тоғли ҳудудлардаги тиббий хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолардан биридир.

Шунингдек, мулоқот давомида Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифокори Ўктам Алимардонов туман шифохонасига реанимация аппарати, 6 дона сунъий нафас аппарати зарурлигини билдирди.

Юқоридаги муаммолар юзасидан депутат Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари билан бирга ўз таклифларини ишлаб чиқди.

Бугун мамлакатда халқ билан мулоқот қилиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммолар ечимини топишда энг самарали воситалардан бири Халқ қабулхоналаридир.

Депутат Яккабоғ тумани Халқ қабулхонасида туман ҳокими Абдурасул Сафаров, Халқ қабулхонаси бошлиғи Ботир Шовриқов билан биргаликда аҳоли билан мулоқот қилди. Одамлар оддий турмуш шароитларидаги масалалардан тортиб, тизимли муаммоларни ҳам баён қилиш имконига эга бўлди.

Сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар ечими юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Мулоқотлар сўнгида ҳар бир ташкилот раҳбари масъулиятини ошириш, юзага келган муаммоларни кўламига қараб, уларни жойида ҳал этиш, вилоят, республика даражасидагиларни эса, тегишли вазирлик ва идоралар эътиборига ҳавола қилиб, парламент назорати институти шаклларидан фойдаланган ҳолда ечим топишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиб, бу борадаги муносабатлар кўламини янада кенгайтириб бораётган давлат сифатида эътироф этилмоқда.*

*Айни пайтда мамлакатимиз БМТ, ЕИ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа кўплаб йирик халқаро ташкилотлар билан сиёсий, иқтисодий, фан-таълим, маданий-гуманитар соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келяпти. Булар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида ўрин тутади.*



## 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

Мазкур ташкилот бутун дунёдаги сиёсий вазиятларда жаҳон мамлакатлари муаммоларини халқаро ҳамжамиятга олиб чиқишда ўзига хос "халқаро минбар" ва "жаҳон уйи" вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 март куни БМТга аъзо бўлди. Бугунги кунда юртимиз ушбу нуфузли ташкилот ҳамда унинг ўнлаб ихтисослаштирилган муассасалари билан халқаро ва минтақавий хавфсизлик, барқарор тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий, экологик масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик олиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон БМТ доирасида бир неча глобал ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббусларни илгари суриб келяпти. Жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида эътироф этиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, минтақада терроризм, экстремизм иллатлари, экологик муаммолар, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш каби масалалар шулар сирасидандир.

БМТ билан ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, маданий-гуманитар алоқаларга ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки, ўтган даврда БМТ Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига Ўзбекистон Республикасидан бешта объект, яъни Ичан қалъа, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази, Самарқанд маданиятлар чорраҳаси, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон қўшма номзодлигида Ғарбий Тянь-Шань тоғлари киритилган.

Шунингдек, 1994 йилдан буён олти нафар тарихий шахс, саккизта қадимий шаҳар, битта халқ эпоси, қадимий тарихий мерос ва тарихий-илмий муассасаларнинг юбилей саналари халқаро миқёсда нишонланди.

Ўзбекистон Республикасидан саккизта номоддий маданий мерос объекти ва анъаналари, хусусан, "Бойсун маданий муҳити", "Шашмақом" мусиқаси, "Катта ашула", "Аския", "Наврўз", "Палов маданият ва анъанаси", "Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази: атлас ва адрас тўқиш анъанавий технологиясини сақлаш", "Хоразм лазгиси" ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан муносабатларида 2016 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб янги тенденциялар кўзга ташланди, ўзаро муносабатларда мутлақо янги босқич бошланди.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ташқи сиёсати, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришнинг "Йўл харитаси" белгилаб олинди. Бу эса Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида янги омиллар, ресурслар ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, сиёсий ва иқтисодий дипломатик муносабатларни чуқурлаштириш учун асос яратди.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал дастури билан уйғундир.

2017 йил Ўзбекистон ва БМТ муносабатларида самарали йил бўлди, дейиш мумкин. Сабаби БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб, Президентимиз билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол фожиасининг экологик оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилди. Глобал хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Яна бир тарихий воқеа: 2017 йил 19 сентябрда давлатимиз раҳбари АҚШда бўлиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Мазкур нутқ Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги халқаро ташаббусларида янги тенденцияларни намоён қилиш баробарида, мавжуд муаммоларга маҳаллий, минтақавий ва глобал даражада аҳамият қаратиб, уларнинг ечимига прагматик ёндашилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди.

Президентимиз ўз нутқида мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳамда аниқ ва асосли манбаларга эга бир нечта ташаббусларни илгари сурди. Шу асосда 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциялар қабул қилинди.

2017 йилда БМТ билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуида, 2018 йилда эса Афғонистон масаласига бағишланган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди.

Бу минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарорлик масалаларини ҳал қилишда, хусусан, Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигидаги фаоллик янги сиёсий воқелик сифатида ёрқин намоён бўляпти. Ўзаро алоқалар бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверади.

**Ойбек АБДИМЎМИНОВ,**
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),**
**ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази директори ўринбосари.**

*1 март — Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуд топган кун*

## Баҳор келди сени сўроқлаб...



Эрта баҳорда кўклам, бахт, тонг куйчиси Зулфия ҳайкали қошига борар эканмиз, беихтиёр қалбимизга яқин мисралари жаранглайди: баҳор келди сени сўроқлаб...

Шоира шеърларини ўқир эканмиз, гўё тонг нафаси, қировда тобланган майсалар, кумуш нурлар жаранги, қор тагидан бош кўтарган бинафша ифори димоғимизга урилади.

Зулфия бетакрор шеърлари билан қалбимизда яшайди. Бу улуғ ижодкор биз учун доимо садоқат ва вафо тимсоли бўлиб қолаверади. Эътиборингизга Зулфиянинг беназир шеъларидан ҳавола этилмоқда.

### Баҳор

*Инсон кўзларида жон олар баҳор,*
*Барча томирида унинг тўлқини.*
*Ўтмишнинг беҳуда они каби қор,*
*Беиз, бедард эриб кетар учқуни.*

*Инсон кўзларида жон олар баҳор,*
*Ўйинқароқ гўдак сингари булут.*
*Кўк қовоғи уюқ, ёрқин бир виқор*
*Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.*

*Баҳорнинг сеҳргар боқий чиройи*
*Ёшу кекса кўнглин овлайди бирдак,*
*Кўзгуни синдириб ташлар. Киройи*
*Ҳар кишининг ёши бу фасл дилдак.*

*Ҳар нурга, ҳар қушга, ҳар куртакка шод*
*Бениҳоя яқин бўлади йироқ.*
*Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод,*
*Ҳар тикилган чигит кўксинг этар тоғ.*

*Баҳор бўлмасайди, одамзод албат*
*Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт...*

### Ёмғир

Ёмғир, сен табиат сахий фарзанди,
Менга кўрсат йўл.
Санъатинг ювади еру кўк гардин,
Эзгулигинг мўл.

Бир йўла, бир азим чўлу саҳрога
Осмон қўяр лаб.
Ҳали ишқ билмаган Одам Ҳавога
Бахш этгандай қалб.

Қўриқлар кўксига яқинлаб кўклам
Уйғонар тупроқ.
Илиқ нафасингдан баҳра олган дам
Эрийди музлоқ.

Сенинг санъатингга бир шогирд тушиб,
Томчи бўлай мен.
Дилимни парчалаб томчингга қўшиб,
Чўл қамчилай мен.

Буғдойми, чигитми, не бор уруғга
Бағишлай ривож:
Деҳқонлар кўрсатган доно йўриғ-ла
Ҳис этай қувонч...

Бир олам табиат қўйнида томчи
Бўлмоқ ҳам толе.
Қалб, мени шу ёмғир йўлига сол-чи,
Яшай сафоли.

Оҳ, ёмғир, ҳар салқин ҳаётбахш томчинг
Қўзғайди ҳавас,
Севгимдай бешафқат бўлса гар қамчинг,
Итқит, бўл шаррос.

Қувончлар тагида қолган дард қумин
Ювиб кет бирдан!
Узлатга бегона кўксим тўлқини
Куйласин нурдан...

*ЗУЛФИЯ.*

**2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун Давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

## Долзарб мавзу

*Маълумотларга кўра, тўқсонинчи йилларда республикамиз аҳолиси 20 миллион нафардан ортиқроқни, иқтисодиёт тармоқларида сарфланган сув ҳажми 64 миллиард куб метрни ташкил этган. Жорий йилга келиб эса аҳоли сони 34 миллион нафарга етди. Лекин иқтисодиёт тармоқларида 52 — 54 миллиард куб метр миқдорида сув ишлатилиши кутилмоқда.*
*Бу нима дегани? Бу шуни англатадики, йиллар ўтиб, аҳоли сони ва эҳтиёж кўпайгани билан сувдан фойдаланиш имкониятимиз камаймоқда.*
*Демак, ҳаёт манбаи ҳисобланган сувдан янада тежаб-тергаб фойдаланишни, суғориш ишларига замонавий технологияларни жорий қилишни даврнинг ўзи тақозо этяпти. Истеъмол қилинаётган обиҳаётнинг 90 фоиздан зиёди қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келаётганини инобатга олсак, фақат сув тежовчи технологияларни қўллаш орқали маълум натижага эришиш мумкин.*



# СУВ ТАҚЧИЛЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЙЎЛИ БОР

- *Истеъмол қилинаётган сувнинг 90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.*
- *Сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади.*
- *2020 йилда 90 та объектга "Ақлли сув" тизими жорий этилса, улар сони 2025 йилда 300 тага, 2030 йилга бориб 1000 тага етказилади.*
- *50 та сув хўжалиги объекти давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга берилади.*

### Босқичма-босқич жорий қилинади

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида сувдан фойдаланиш, соҳа самарадорлигини ошириш юзасидан Сув хўжалиги вазирлиги олдига бир қатор вазифаларни қўйган эди.

— Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, суғориш тизимларига илғор ишланма ва технологияларни қўллаш чоралари кўриляпти, — дейди сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев. — Хусусан, бу йил республикамиз бўйича 44 минг гектардан ортиқ ерга сув тежовчи технологияларни қўллаш, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонини томчилатиб суғоришга ўтказиш режалаштирилган. Мазкур соҳада давлат қўллаб-қувватлови, хусусан, субсидиялар ажратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда ҳам сув тежовчи технологияларни татбиқ қилишни қўллаб-қувватлаш учун 300 миллиард сўм маблағ ажратилади. Қишлоқ хўжалиги экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимлари учун гектарига 8 миллион сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 миллион сўм, дискретли суғориш учун 1 миллион сўмдан маблағ йўналтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдорида қоплаб берилмоқда.

Умуман, республикамизда ҳозирги кунга қадар 130 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар татбиқ этилган бўлиб, шундан томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган ҳудуд 77,4 минг гектарни ташкил этади. 2020 йил яна 250 минг гектар ерда шундай технологиялар татбиқ қилинади. Жараён шу тартибда давом этиб, тежамкор технологиялар қўлланиладиган майдонлар 2025 йилга бориб 1 миллион гектарга, томчилатиб суғориладиган ерлар эса 250 — 300 минг гектарга етказилади.

### Обиҳаёт сарфи онлайн кузатилади

Йилнинг қандай келишини ҳаммадан кўра деҳқонларимиз яхши билишади. Яъни бир мавсумда сув етарли бўлса, кейинги йили тақчиллик сезилиши мумкин. Юртимизда олинадиган ҳосил чўғи кўпроқ об-ҳавога, яъни ёғингарчиликка боғлиқлигини инобатга олсак, сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш биз учун ниҳоятда муҳим. Шу боис вазирлик тизимида ушбу йўналишдаги ишларга ҳам жиддий эътибор берияпти. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан биргаликда республикамизнинг асосий йиллик сув объектларига замонавий "Ақлли сув" тизими жорий қилинаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасига киради. Натижада ўтган йили KOICAнинг грант маблағи эвазига молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида 61 объектга сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди. Ушбу тизим 2020 йилда яна 90 та объектга қўйилади ва улар сонини 2025 йилда 300 тага, 2030 йилга бориб эса 1000 тага етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви тўғрисидаги маълумотларни онлайн узатиш, мониторинг юритиш ҳамда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини яратиш мақсадида бу йил 2 мингта, 2025 йилда 6 мингта, 2030 йилгача эса 27 мингдан зиёд кузатув қудуқларида геоахборот тизимлари қўйилади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўплаб сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёни автоматлаштирилади.

Сув хўжалигидаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун ўн йил ичида 5 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

### Концепцияда ҳаммаси акс этади

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида, шунингдек, Сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни жорий йилнинг 1 апрелига қадар тасдиқлаш учун киритиш лозимлиги қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг грант маблағлари ҳисобига халқаро экспертлар ҳамда сув хўжалиги соҳаси учун истиқболни белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослашган Австралиянинг "Aither" компанияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда, ҳужжат лойиҳаси тайёрланди. У норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа бир қатор долзарб йўналишларни ўз ичига олган. Хусусан, унда тежамкор технологияларни жадал жорий этиш, соҳада автоматлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ва бетонлаштириш ишларини амалга ошириш орқали уларнинг фойдали иш коэффициентини ҳозирги 0,63 дан 0,73 гача етказиш, бир миллион гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш эвазига шўрланган майдонларни ҳар йили бир фоизга камайтириш ҳамда 298,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан майдонларни қайта фойдаланишга киритиш вазифаси қўйилмоқда.

Шунингдек, 2030 йилгача хизмат муддатини ўтаб бўлган насос агрегатлари ва двигателларни энергия тежамкорларига алмаштириш ҳамда жиҳозлаш эвазига электр энергияси истеъмолини ҳозирги 8,0 млрд. кВт. соатдан 6,0 млрд. кВт. соатгача қисқартиришга эришилади. 50 та сув хўжалиги объекти давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга бериш мўлжалланяпти.

Албатта, ҳар бир соҳада янгиликлар қўлланилиши унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни ҳам талаб этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутовнинг айтишича, бугунги кунда сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонунга ўзгартишлар киритилиши зарур. Шу мақсадда жорий йилнинг биринчи июлигача таклиф тайёрлаш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, муҳокама бошланган. Бундан ташқари, 2022 йилнинг 1 январига қадар Сув кодексини ишлаб чиқиш ҳам мўлжалланган.

Булардан кўринадики, Ўзбекистон шароитида сувдан фойдаланиш долзарб масала. Демак, обиҳаётни қанчалик тежасак, исрофгарчиликларнинг олдини олсак, барчамиз учун шунчалик фойдали. Зеро, сув — ризқ-рўзимиз манбаи. Амалга оширилган ва истиқболга режалаштирилган ишлар айни шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Қулайлик

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИГИРМА УЧИНЧИ, ҚАШҚАДАРЁДА БИРИНЧИ...

*Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот хизмати томонидан хабар берилишича, Қашқадарёда биринчи Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди.*

Марказ учун "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Касби телекоммуникация боғламасига қарашли бино тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Муассаса тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур технологик воситалар билан жиҳозланди. Замонавий компьютерлар, Wi-Fi ҳудуди телекоммуникация корхоналари ходимларининг янги технологияларни жорий этиш бўйича кўникмаларини оширишга, соҳага қизиққан ёшларнинг ахборот технологиялари, дастурлаш, робототехника, киберспорт асослари ва электрон тижорат каби йўналишларда билимларини кучайтиришга имконият яратади.

— Бугун жамият тараққиётини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди IT-маркази директори Н. Алибеков. — Табиийки, соҳа бўйича етук мутахассислар тайёрлаш тизимини ҳам давр талабига мос тарзда такомиллаштириб боришимиз лозим. Масалан, бу борада фақат олий ва ўрта махсус ўқув юртларига суяниб қолмасдан, мутахассислар тайёрлашнинг интенсив, инновацион усулларидан ҳам фойдалансак, айни муддаодир. Ўйлайманки, мамлакатимизда янгидан очилаётган рақамли технологиялар ўқув марказлари бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, республикамиз бўйлаб 188 та шундай марказ ташкил этилиши кўзда тутилган. Касби туманида ўз фаолиятини бошлаган маскан уларнинг йигирма учинчисидир.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси соҳа фидойиси, "Ветеринария медицинаси" журнали илмий кенгаши раиси

**Бастамқул САИТҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

